



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 218 (11.529)

Баҳоси эркин нарҳда

2009 йил 12 НОЯБРЬ, ПАЙШАНБА

XXI аср садоси

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

- Тошкентдаги Халқаро ҳамкорлик марказида кеча Ўзбекистон ва Норвегия ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди. Мазкур тадбир Ўзбекистон — Норвегия савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлигини янада кенгайтириш масалаларига бағишланди.
- Тошкентда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Республика ахборот-кутубхона маркази томонидан «Информнаука» масъулияти чекланган жамияти ва «Наука» нашриёти (Россия Федерацияси) билан ҳамкорликда ташкил этилган халқаро илмий ҳамда илмий-техник нашрлар кўргазмаси очилди.
- Республика ихтисослашган жаррохлик марказида эндоваскуляар жаррохликнинг долзарб масалаларига бағишланган илмий анжуман бўлиб ўтди. Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда мамлакатимиз олим ва шифокорлари билан бир қаторда исроиллик мутахассислар ҳам иштирок этди.
- Республика ёшларининг «Биоэкосан» ўқув-услубий мажмуасида Барқарор ривожланиш таълимига бағишланган миллий-ҳуқуқий семинар ўтказилди. Мазкур тадбир Марказий Осиё Минтақавий экология марказининг юртимиздаги ваколатхонаси ташаббуси билан Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ҳамкорлигида ташкил этилди.
- Бухорода республика Маънавият-тарғибот маркази томонидан олий ўқув юртлиги ўқитувчилари ўртасида ўтказилган «Илмнинг энг фаол маънавий тарғиботчиси» кўрик-танловининг минтақавий босқичи бўлиб ўтди. Унда Навоий ва Бухоро вилоятлари олий ўқув юртлигининг ўқитувчилари ўзаро беллашдилар.
- Сурхондарё вилояти Узун туманининг Уланкўл қишлоғида «Боботог-Файзова» хусусий корхонаси томонидан гишт заводи фойдаланишга топширилди. Янги гишт заводи бир йилда 10 миллион дона сифатли гишт чиқариш қувватига эга бўлиб, унинг фаолият бошлаши билан 50 киши ишли бўлди.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Кўргазмалар

ҚУРИЛИШ ТЕХНИКАСИ ВА МАТЕРИАЛЛАРИ НАМОЙИШИ

Шаҳримиздаги «Ўзэкспомарказ» мажмуасида «Қурилиш. Қурилиш техникаси. Қурилиш материаллари — Ехро Construction 2009» 6-Халқаро кўргазмаси давом этмоқда. «Заг Ехро» кўргазмалар компанияси мазкур кўргазма ташкилотчиси бўлиб, унга Ўзбекистон Республикаси Архитектура ва қурилиш давлат қўмитаси, республика Архитекторлар уюшмаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси савдо-саноат палатаси расмий кўмак кўрсатишди.



Мустақиллик йилларида бунёдкорлик ишлари кўлами кенгайиб, ҳар бир қурилаётган бино, иншоот, муассасалар юртимиз кўркини оширмоқда. Ушбу объектларни бунёд этишда, уларнинг чиройи ва мустаҳкамлигини таъминлашда бугунги кун талаблари даражасидаги сифатли ва рақобатбардош қурилиш ашёлари қўл келади. Ушбу кўргазмага ташриф буюрувчиларда павильонда ҳамда очик майдонда намойишга қўйилган замонавий, энг янги авлодга оид бўлган техника ҳамда технологик линиялар, жиҳозларнинг намойиши катта таассурот уюғтади. Қурилишда ишлатиладиган машина, техника, арралар, тош майдалоғич, майдаловчи чуқилар ва албатта, қурилиш жиҳозлари стендларда малакали мутахассислар, етук муҳандислар ёрдамида тақдим этилмоқда. Ташриф буюрувчилар учун соҳадаги сўнги ютуқлар билан яқиндан танишиб, уларни баҳолаш имконияти яратилганлигини алоҳида таъкидлаш ўринли.

Ҳамда рақобатбардош маҳсулотлари, шунингдек хизмат кўрсатиш турлари ҳақида батафсил маълумот олиш, яқиндан танишиш мумкин.

Катнашчилар орасида нафақат республикаимизда, балки Ҳамдустлик давлатларида ҳам машҳур бўлган қурилиш компаниялари, энг замонавий қурилиш ашёлари, сифатли мебеллари билан ички бозорда мўҳим ўрин эгаллаган «INSOF-RI» қўшма корхонаси, харидордир лок ва бўёқ маҳсулотлари тайёрловчи «Тошкент лок-бўёқ заводи» очик акциядорлик жамияти, «Еаст Колор», «Лок-Колор синтез» масъулияти чекланган жамиятлари, хоржий хом ашёдан эшик-ром тайёрловчи «ALUTEX», «Техно Инвест-СТ» қўшма корхоналари каби кўплаб ишлаб чиқарувчиларнинг сифатли, бир-бирдан кўркам маҳсулотлари кўрган қуришни қувнатади.

Этиборли томони шундаки, мазкур халқаро кўргазма доирасида қурилиш соҳасидаги энг янги маҳсулотлар, хизматларга бағишланган семинар-йиғилишлар, тақдимотлар ўтказилиши кўзда тутилган. Кўргазма кунлари кўплаб ўзаро манфаатли шартнома, битимлар имзоланишига эътибор бўлиб, музокаралар ўзини таъминлади.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА СУРАТЛАРДА: 6-Халқаро қурилиш кўргазмасидан лавҳалар.

Ҳақимжон Солиқов олган суратлар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари! Сизга менинг Европа Иттифоқи комиссияси президенти лавозимига қайта сайланганим муносабати билан йўллаган самимий табригингиз учун миннатдорлик изҳор этаман.

Ҳозир Европа учун ҳам, Ўзбекистон учун ҳам улкан имкониятлар даври, фуқароларимиз биздан барча учун фаровон, хавфсиз ва ишончли келажак барпо этишни кутаётган давр. Аини пайтда ҳали олдимизда глобал инкироздан чиқишдан то иқлим ўзгаришига қарши курашишгача бўлган муҳим вазифалар турибди.

Ишончим комилки, агар биз ўз имкониятларимиздан тўлиқ фойдаланиб, куч ва ҳаракатларимизни самарали ишга солсак, яқин йилларда келгуси ўн йилликлардаги ютуқларимизни шакллантириш йўлини белгилашга муваффақ бўламиз.

Бой анъаналар ва Европа билан кўп асрлик алоқаларга эга бўлган Ўзбекистон Европа Иттифоқининг муҳим ҳамкоридир. Европа Иттифоқи комиссиясига раҳбарлик қилиш ишониб топширилгани менга қувонч ва шараф бағишлайди. Мен Ўзбекистон билан янада яқин муносабатларнинг ривожланишига умид қиламан.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 18 йиллиги ва Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейи муносабати билан Ўзбекистон халқига равнақ ва фаровонлик тилаб билдирган эзгу ишларимизни изҳор этаман.

Самимий табригингиз учун яна бир бор миннатдорлик билдираман. Эҳтиром ила,

Жозе Мануэль БАРОЗО,
Европа Иттифоқи комиссияси президенти

ЮНЕСКО БОШ ҚАРОРГОҲИДА ЎЗБЕКИСТОНГА БАҒИШЛАНГАН КЕЧА

ЮНЕСКОнинг Париждаги бош қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 18 йиллигига бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди.

Унда ЮНЕСКО раҳбарияти ва ЮНЕСКО Бош конференцияси 35-сессиясининг раиси Д.Хелберн, ЮНЕСКО Бош директорининг стратегик режалаштириш масалалари бўйича ўринбосари Г.Д'Орвилль, ижтимоий ва гуманитар фаоллар бўйича ўринбосари П.Сане, маъмурий масалалар бўйича ўринбосари А.Кен, шунингдек, ушбу ташкилот ҳузуридаги доимий ваколатхоналар вакиллари, Парижда аккредитациядан ўтган бошқа халқаро ташкилотлар ва дипломатик миссиялар ходимлари, Франциянинг ижтимоий-сиёсий ҳақда иқтисодий доиралари вакиллари қатнашди.

Тадбир иштирокчиларига мамлакатимизнинг мустақиллик йилларида сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий соҳаларда эришган ютуқлари, Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизimini либераллаштириш борасидаги ислохотларнинг олиб борилиши, декабрь ойида бўлиб ўтиши мўлжалланган парламент сайловлари ҳақида маълумотлар берилди. Мехмонлар Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 18 йиллиги ва Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги тантаналарига бағишланган видеофильми катта қизиқиш билан томоша қилишди ҳамда мамлакатнинг бой сайёҳлик салоҳияти ва ўзбек халқининг маданий мероси ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлишди.

Тадбирнинг айрим иштирокчилари «Жаҳон» ахборот агентлигининг муҳбири билан ўз мулоҳазаларини ўртоқлашди.

— Тарихий жиҳатдан унчалик кўп бўлмаган 18 йиллик мустақил тараққиёт даврида Ўзбекистон суверен давлат барпо этишда салмоқли муваффақиятларни қўлга кирита олди ва бу жаҳон ҳамжамиятида муносиб тан олинди, — деди Гвинея-Биса-

унинг ЮНЕСКО ҳузуридаги доимий вакили Карлос-Эдмильсон Маркес Виейра. — Юзлаб юксак даражали меҳмонларни тўплаган ушбу тантанали кеча Ўзбекистоннинг дунёдаги нуфузи юқори эканидан далолатдир. Мамлакатингиз бой тарих ва маданиятга эга, унинг халқаро ҳамкорлик манбалари ҳам қадимий даврларга бориб тақалади. Аминманки, Ўзбекистоннинг келажиги порлоқ, чунки у йirik иқтисодий ва интеллектуал имкониятларга эга мамлакатдир.

МДХ давлатларида тадбиркорликни ривожлантириш бўйича фаолият юритувчи «SPECAPAG» компанияси директори Жан АЖАЙ:

— Компаниямиз кузатуви доирасида икки томонлама муносабатларни ривожлантириш имкониятига эга барча жадал ривожланаётган миллий иқтисодиёт намуналари аниқ кўринади. Ўзбекистоннинг юқори иқтисодий кўрсаткичи ва мамлакат иқтисодиётининг барқарорлига эришуви, аҳоли фаровонлигининг юксалиши, шубҳасиз, Ўзбекистон ҳукумати томонидан пухта ўйланган сиёсат натижасидир. Ўзбекистон 18 йил ичида ўзини дунё сахнасида етарлича намойиш эта олди, бу ўзбекистонлик шериклар билан ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантириш компаниямиз стратегиясининг истиқболли йўналишларидан бирига айланганига яна бир туртки бўлди. Ўзбекистонда жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози даврида биринчи — «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонанинг фаолият юрита бошлаши ҳам бизга келгусида бирга амалга ошириладиган ишларимиз учун умид ва ишонч бағишлайди.

(Давоми 2-бетда).

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз муҳаббатларимиз хабарларидан.

✓ **ЎРТА** Осиё алоқа тармоқларини лойиҳалаш жамиятида Республика Маънавият тарғибот марказининг Яқасарой туман бўлими ташаббуси билан «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурининг моҳиятига бағишланган маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

✓ **КЕЧА** Ҳамза туманидаги Тошкент маиший хизмат кўрсатиш коллежидан туман маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамкорлигида уюштирилган «Олтин куз ноз-неъматлари» мавзусидаги тадбирда ўқувчилар, ўқитувчилар иштирок этишди.

✓ **БУГҮН** Миробод туманидаги Фағур Фулом номи маданият уйида бадиий хаваскорлик жамоалари, тўғараклар, курслар тингловчилари, ўқитувчилар иштирокида Тошкент шаҳар корейс миллий маданият маркази ҳамкорлигида уюштирилган рақс кечаси «Даврани кенгроқ олин» деб номланди.

✓ **КЕЧА** Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгашининг шу кунгача бажарилган ишлар, келгуси режалар муҳокамасига бағишланган пленуми бўлиб ўтди.

ЖАҲОНДА

- Польшада Мустақиллик кун байрами нишонланди.
- Литва ўз энергия тизimini Польша билан бирлаштиришга тайёр эканлигини билдирди.
- Европа Комиссияси Европа Иттифоқи кенгашига Украинага 500 миллион евро миқдорида кредит ажратиш таклифи билан мурожаат қилди. Ушбу маблағ Украинанинг Халқаро валюта жамғармаси билан биргаликда ишлаб чиқилган мамлакатни инкироздан олиб чиқиш дастурини бажаришига сарфланади.
- Сарик денгизда Шимолий ҳамда Жанубий Корея ҳарбий кучларига қарашли кемалар ўртасида отишма бўлиб ўтди. Отишманинг келиб чиқишига Шимолий Корея кемасининг икки давлат ўртасидаги баҳсли чегарани кесиб ўтиши сабаб бўлган.
- Кеча Косово Бош вазири Х.Точи кортежига ҳужум уюштирилди.
- Эрон фуқаро кемаларини денгиз қароқчиларидан ҳимоя қилиш мақсадида Адан кўрфағига ўзининг жанговар кемаларини юборди.
- Кеча Доғистонда магистрал газ ўтказгичнинг кўпорилиши натижасида Махачқалъа ва унинг атрофидаги шаҳарчалардаги газ таъминотида зулишлар юзага келди.
- Танзаниянинг шимолий қисмида ер силжиши натижасида камида 20 киши ҳаётдан кўз юмди.
- Хитойда АҚШнинг Nasdaq биржасига ўхшаш юқори технологияли компаниялар акциялари билан савдо қиладиган ChiNext биржаси иш бошлади. Биржадаги бир кунлик савдо миқдори 21,91 миллиард юан (3,2 миллиард доллар)ни ташкил этди.
- Шамоллаш ва грипп хасталикларининг тез тарқалиб бориши муносабати билан Татаристон олий ўқув юртлирида карантин эълон қилинди.
- Россия Федерациясининг Ёкутистон ва Колима ўлкаларида қаттиқ совуқ бошланиб, ҳавонинг ҳарорати — 48 даражага етди.
- Кеча Венесуэладаги йирик кофе компаниялари давлат ихтиёрига ўтказилди.
- Кеча жаҳоннинг етакчи биржаларида ўтказилган савдолар чоғида нефть нархининг ошгани кузатилди.

8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун

БАДИЙ МЕРОС ДОИМИЙ ҲИМОЯДА

Маданият ёдгорликлари давлат муҳофазасидадир.
(Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 49-модда)

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ажодларимизнинг бой маънавий меросини қайта тиклаш, асраб-авайлаш, ўрганиш, ундан халқимиз, айниқса, ёш авлодни баҳраманд этиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Бадий академияси томонидан амалга оширилган «Нодир тасвирий санъат асарларини қайта тиклаш ва таъмирлаш» ижодий лойиҳаси бунинг далилидир. Лойиҳадан кўзланган мақсад миллий ва жаҳон тасвирий санъати тарихини, унинг тараққиёт босқичлари

ва замонавий йўналишларини ўрганиш, соҳага оид кенг кўламли тадқиқотлар олиб боришдан иборатдир.

Ушбу лойиҳада юртимизнинг таниқли рассомлари, санъатшунослари, реставраторлари билан бирга франциялик мутахассислар ҳам иштирок этди.

— Ўзбекистон маданияти ва санъатининг тарихи гоёқ бой ва бетакрор, — дейди франциялик реставратор Жеральдин Фрей. — Шу боис ушбу лойиҳада иштирок этганимдан жуда мамнунман. У санъат асарларини тиклаш ва таъмирлаш, уларга қайтадан ҳаёт бағишлашга

оид замонавий технологиялар ҳақидаги билим ва тасавурни бойитиш, юртингиз мутахассислари билан ўзаро фикр ва тажриба алмашиш имконини берди.

Лойиҳа доирасида Ўзбекистон Давлат санъат музейи, Қорақалпоғистон Давлат санъат музейи каби маърифат масканларида жаҳонга машҳур мусаввирларнинг туркум картиналари қайтадан реставрация қилинди, бадий меросни тиклаш ва асраб-авайлашнинг долзарб масалаларига оид амалий семинарлар, давра суҳбатлари ташкил этилди. Камолдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти, Республика рассомлик коллежининг тасвирий, амалий санъат ва меъморий ёдгорликларни таъмирлаш ихтисослиги бўйича тахсил олаётган талаба ва ўқувчилари учун малакали мутахассислар, олимлар, санъатшунослар иштирокида маҳорат сабоқлари ўтказилди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири


Мустақиллик йилларида матбаа маҳсулотларининг сифатини халқаро талаблар даражасига етказиш, ўқув адабиётлари ва дарсликларнинг савиясини оширишга катта эътибор берилмоқда.



Хусусан Президентимизнинг 2006 йил 31 майдаги «Умумтаълим мактаблари ўқувчиларини дарсликлар билан таъминлаш тизимини тақомиллаштириш борасида кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ мана тўрт йилдирки, ноябрь-декабрь ойларида Тошкент ва Нукус шаҳарлари, барча вилоятлар марказларида умумтаълим мактаблари учун кейинги ўқув йилига мўлжалланган дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларининг ихтисослаштирилган кўргазма-ярмаркалари ўтказилиб келинмоқда.

Республика ўқувчилар саройида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Матбуот ва Аxbорот агентлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Ўзкитобсавдо» давлат акционерлик компанияси ҳамкорлигида навбатдаги кўргазма ўз ишини бошлади.

Тадбирда сўзга чиққанлар матбаа маҳсулотларининг сифатини халқаро талаблар даражасига етказиш, яратилаётган турли китоблар, ўқув адабиётлари ва дарсликларнинг савиясини кўтаришга жиддий аҳамият бериш, жойлардаги мавжуд ҳолат билан яқиндан танишиш, дарсликларнинг янги авлодини яратиш борасида мутахассис-педагогларнинг фикрларини ўрганиш, ўқув қўлланмаларининг мазмунини ва сифатига эътибор қаратиш, ўқитувчи ва ўқувчилар, ота-оналар томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида дарсликларга тегишли ўзгаришлар киритиш



ҳамда келгуси йилда чоп этиладиган дарсликларни очиқ савдога чиқариш учун таклифларни ҳисобга олиш масалаларининг дарслик ва бошқа адабиётларини намойиш этидилар.

Дарҳақиқат, ушбу кўргазма-

декабргача давом этади.

Биз кўргазма давомида айрим иштирокчиларнинг фикр-мулоҳазалари билан танишишга муваффақ бўлдик.

«Янги аср авлоди» наشريёт-матбаа маркази директори Эркин Абдурахмонов:

— Китоб онг ва тафаккур сарчашмасидир. Унинг ҳар бир варағида яхшилик тантана қилади, эзулик қадрланади, асосийси илм нурилар атрофга зиё шуъласини таратади. Биз матбаа ходимлари эса ана шундай эзгуликка йўғрилган ишларга ҳисса қўшаётганимиздан жуда мамнунмиз. Зеро дунёда китобдан яхшироқ ва садоқатлироқ дўст йўқ. Тўрт йилдан бери ўтказиб келинаётган мазкур кўргазма натижасида, давр руҳи, қадрият ва анъаналаримиз асосида яратилган турфа хил китоблар ҳаёт юзини кўрди. Бундай хайрли ишларнинг натижаси ўларок китобхонлар билан алоқаларимиз яхшиланиб бормоқда. Шунингдек, нашриётлар ўртасидаги ҳамкорлик ришталари янада мустаҳкамланмоқда.

308-мактаб кутубхоначиси Хадича Ходжаева:

— Мен илк мартаба ушбу кўргазмада иштирок этаялман. Мазкур маънавий тадбир менга жуда ҳам манзур бўлди. Айниқса турли нашриётлар томонидан чоп этилган янги китоблар ҳақидаги тўлиқ маълумотга эга бўлиш соҳамга оид саволларга жавоб топишимга, ўз билим даражамни оширишга имкон яратмоқда. Ўқувчиларга тавсия этадиган фақат дарслик эмас, балки бадий адабиётлар рўйхатларини ҳам тузиб олаялман.

Гулчехра ДУРДИЕВА СУРАТЛАРДА: кўргазмадан лавҳалар.

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар

ЯНГИ ТАЛҚИНДАГИ ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМАЛАРИ

лари тўғрисида тўхталиб ўтишди. Кўргазма-ярмаркада Ўзбекистон Матбуот ва аxbорот агентлиги тизимидаги «Ўзбекистон», «Ўқитувчи», «Ғафур Ғулом» ва «Чўлпон» номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйлари ҳамда «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти жамоалари жами 152 номдаги 1611 та дарслик, 92 номдаги 1288 донна турли мавзудаги адабиёт ва плакатлар билан иштирок этди. Бундан ташқари «Шарқ», «Маънавият», «Янги аср авлоди», «Турон-икбол», «Янгийўл полиграф сервис», «Янги нашр», «Илм-зиё», «Арт-фелекс» каби нашриётлар ҳам

нинг йилдан-йилга такомиллашиб бораётганини кўришимиз мумкин. Ундан республикамизнинг кўзга кўринган нашриётлари томонидан нашр этилган дарсликлар ва ўқув қўлланмалари, маънавий-маърифий, ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий, бадий адабиётлар ўрин олган. Бу йилги кўргазмада, касб-хунар коллежлари, академик лицейларнинг дарслик ва ўқув-методик қўлланмалари намойиш этилмоқда. Кўргазмага қўйилган китоблар жами 332 номда бўлиб, беш мингдан зиёд нусхани ташкил этмоқда.

Кўргазма-ярмарка Тошкент шаҳри ва республикамизнинг барча вилоятларида ўинчи

(Давоми. Боши 1-бетда).

Париж Физика ва кимё санъати учун муҳандислар тайёрлаш олий мактаби ўқитувчиси Пьер Тронк:

— Мен Ўзбекистоннинг фан ва техника тараққиёти борасида эришган ютуқларини алоҳида таъкидлашни истардим. Бунга физика, хусусан, яримўтказгичлар фи-

мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига ҳукуматнинг юксак эътиборидан яққол далолатдир.

Самарқанд шаҳридаги Франция археология экспедициясининг раҳбари Франц Грене:

— Биз Ўзбекистонда қарийб йигирма йилдан буён ишлаймиз, шунинг учун мустақиллик йиллари-

ЮНЕСКО БОШ ҚАРОРГОҲИДА ЎЗБЕКИСТОНГА БАҒИШЛАНГАН КЕЧА

зикаси соҳасида эришган ютуқларининг далили бўлиб хизмат қила олади. Яқин кунларда Франция Ташқи ишлар вазирлигининг махсус гранти бўйича ушбу масалани янада чуқурроқ ўрганиш ва Ўз ФА Физика техника институти раҳбарияти билан илмий ҳамкорлик имкониятларини муҳокама қилиш мақсадида Ўзбекистонга бориш ниятидаман.

Космик астрофизика институти тадқиқотчиси Ги Атзнер:

— Ўтган йили Ўзбекистонга борган эдим. Сафарим чоғида юртингизнинг барча шаҳарларини кўриш бахтига муяссар бўлдим, жумладан, Тошкент ва Самарқанд бозорларидаги тўкин-сочинликни, одамларнинг бахтли чеҳраларини кўрдим, бу эса халқнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи барқарорлигидан далолат беради. Шаҳар ва кишлқ жойларида янги мактаблар, коллежлар, лицейлар, уй-жой ҳамда маъмурий биноларнинг қурилиши — мамлакат тараққиёти, унинг салоҳияти ва албатта

да бу ерда барча соҳаларда теран олиб борилган ислохотларнинг гувоҳимиз, десак бўлади. Ўтган даврда кўҳна Афросиёб шаҳри ўрнида ушбу археология объектининг ёшини белгилаб олиш имкониятини берган кенг кўламли қазилма ишлари амалга оширилди. Биз шунингдек Челақ қишлоғининг ёнидаги қазилма ишлари олиб борилган қизиқарли жойлар ва кўргонларда ишладик. Ўзбек халқининг бой тарихи ва маданиятининг чуқур ўрганилишига ҳисса қўшиш биз учун улкан шараф ва биз Археология институтида фаолият юритаётган ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз билан йўлга қўйилган самарали ҳамкорликни юксак қадрлаймиз. Айни пайтда Франция илмий жамоатчилигини тадқиқотларимизнинг сўнги натижалари билан таништиришга хизмат қиладиган китоб ва монографияларни чоп этишга тайёрлаялмиз.

«Жаҳон»АА,
Париж

Янги лойиҳалар

ОММАЛАШИБ БОРМОҚДА

«Ғоямиз — ҳимоямиз» номли ижтимоий-маърифий лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Қарорига асосан, ёшларни миллий ғоя ва мафкура руҳида тарбиялаш, уларни турли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш, юртошларимизнинг ҳаётга онгли муносабатини шакллантириш, ён атрофда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик ҳиссини ошириш, мамлакатимиз мустақиллиги, тинч-осойишта ҳаётимизга хавф туғдириши мумкин бўлган тажовузларга қарши изчил кураш олиб бориш каби хайрли мақсадга хизмат қилмоқда.

Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жамоани ижро этиш Бош бошқармаси ҳамда «Иқтидор — маърифат» ижодий гуруҳи ва «Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар бўлими ўзаро ҳамкорликда талаба-ёшларнинг интеллектуал қобилиятини синаш ва рағбатлантириш йўлида бугунги кунда бир қатор таълим муассасаларида диний экстремизм ва миссионерликнинг олдини олиш, ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш, миллий ғоя ва мафкурани ёшлар онига синдиришнинг самарали технологияларини жорий этиш бўйича ушбу лойиҳани ўтказиб келмоқдалар.

Янги лойиҳа ноанъанавий шаклга эга бўлиб, унда оддий томошабилардан кўра, фаол иштирокчиларнинг кўпроқ мавжудлиги кўзга ташланади. Саволларга тўғри жавоб бериш орқали қолиб

чиқши, совринга эга бўлиш завқи уларнинг фаолигини оширади, нотиклик маҳорати ва воизлик санъатининг кенг қамровли қирраларидан фойдаланилади. Назм, куй, кўшиқ ва видеолавҳалар, бир сўз билан айтганда, замонавий техник жиҳозлар, самарали технологиялардан фойдаланиш орқали маърифий мақсадни амалга ошириш ижодий гуруҳга куч-ғайрат бахш этади. Саволларнинг видеопроектор ва экран орқали эълон қилиниши, унга жавоб беришга интилувчилар сонининг кўп экани аудиторияга кўтаринкилик ва жонлилик бағишлайди.

— Тадбирда саволларга тўғри жавоб топа олган топқир томошабилар совгалар билан рағбатлантирилди. — дейди «Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар бўлими ходими Муҳайё Тўлаганова. — Дастур давомида ёш иқтидорли санъаткорларнинг халқимиз табиятига хос бунёдкорлик тараннум этувчи ватанпарварлик руҳидаги қўшиқларининг янграб туриши қатнашчиларга ўзгача завқ ва гурур бағишлайди ва улар қалбида она юртга бўлган муҳаббат ҳиссини янада оширади. Ушбу тадбирнинг мусликий ва мусобақавий характерда экани эса иштирокчиларни асло зериктирмайди.

Алоқа

ҚАТОР ИМТИЁЗЛАР ЯРАТИЛГАН

«Миллий компьютер ҳуқуқи» лойиҳасини амалга ошириш мақсадида «Ёш дастурчиларни тайёрлаш ва қўллаб-қувватлаш» маркази томонидан тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

Марказда компьютердан фойдаланувчиларга қатор имтиёзлар яратилганлиги туфайли улар сони 200 нафардан ошиб кетди. Билим ва амалий малакаларини муваффақиятли намойиш қилганлиги учун уларнинг деярли ярми сертификатга эга бўлди.

Акбар АЛИЕВ

Шоира МУҲАМЕДОВА

ИСТЕЪДОДЛИ ЁШЛАР ТАНЛОВИ

Ўзбекистон Давлат консерваториясида «Янги авлод — 2009» болалар ижодиёти фестивалининг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда «Камалак» болалар ташкилоти ҳамкорлигида анъанавий тарзда ташкил этиб келинаётган мазкур танлов истеъдодли ўғил-қизларни аниқлаш ва уларни қўллаб-қувватлашга хизмат қилмоқда.

Танловда 6 ёшдан 14 ёшгача бўлган иштиракчилар мумтоз ва миллий чолғулар, кўшиқ, рақс, тасвирий ва амалий санъат ҳамда адабиёт йўналишида ўз маҳоратларини намойиш этишди. Ҳар бир йўналиш ўзига хос, кўтаринки руҳда ўтганлиги ёшларнинг ушбу фестивалга бўлган қизиқишларининг тобора ортиб бораётганидан далолат берди.

Айтиш жоизки, мамлакатимизда ёш авлодни ҳар томонлама етуқ, қомил инсон қилиб тарбиялаш йўлида кенг қамровли ишлар олиб борилаётганлиги, ушбу танловдан кўзланган асосий миқсад ҳам навқирон авлодни санъатга, бадий ижодга бўлган қизиқишини қўллаб-қувватлаш, маданий савиясини юксалтириш, гўзалликка интилишини кучайтириш, миллий санъат анъаналарини сақлаб қолиш ва ривожлантиришдан иборат. Бундан ташқари, танлов иқтидорли ва изланувчан ўғил-қизларни аниқлаш, ижодий пғарвоз сари рағбатлантиришда муҳим омил бўлмоқда.

Фестивалнинг саралаш босқичида голибликни қўлга киритган ёшлар 11-17 ноябрь кунлари Тошкентда ўтказиладиган республика босқичида иштирок этишади. Таъкидлаш ўринлики, 17 ноябрь кун «Истиқлол» санъат саройида меазкур фестивалнинг якуний гала-концерти бўлиб ўтади. Унда танлов голиблари ўзбек эстрадааси юлдузлари билан чиқишлар қилиши кўзда тутилмоқда.

ПОЙТАХТ БЎЙЛАБ САЁҲАТ

«Ёшлик» талабалар шаҳарчиси ҳокимлиги ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Етакчилар кенгаши ҳамкорлигида «Ватан ва халқ озодлиги йўлида шаҳид кетган ватандошларимиз хотирасини ёд этиш — муқаддас бурч» мавзусида тадбир ташкил қилинди.

Тадбирда иштирок этган талабалар дастлаб «Шаҳидлар хиёбони» мажмуасини зиёрат қилдилар. Шунингдек, улар «Қатагон қурбонлари хотираси» музейи экспонатларини томоша қилишди. Ёшларда Ўрта Осиёда ягона саналган Тошкент телеминорасининг қурилиш архитектураси ва бугунги иш фаолияти катта таассурот қолдирди.

Тадбирдан кўзланган мақсад эса, талаба-ёшларнинг бўш вақтларини унумли ташкил этиш, маънавий-маърифий ишларни янада жонлантириш орқали ёшлар дунёқарабини кенгайтириш, билимини ошириш ва улар қалбида ватанга меҳр-муруват туйғусини ўйғотишдан иборатдир.

— Халқимиз асрлар давомида не-не оғир синовлар, машаққатли кунларни кўрмади, — дейди «Ёшлик» талабалар шаҳарчиси Етакчилар кенгаши раиси Азамат Камолов. — Ўз озодлиги, эрки, тинчлиги йўлида курашиб, беҳисоб қурбонлар берган ота-боболаримиз жасорати хотирамиздан ҳеч қачон ўчмайди. Талабалар туурар жойида яшайдиган етакчилардан ҳар томонлама билимли, кучли ва бошқаларга ўрнак бўлишлари талаб қилинади. Шу сабабдан уларни она юртга садоқат руҳида тарбиялашда бу каби тадбирларнинг аҳамияти бекиёс.

«Туркистон-пресс»

Спорт янгиликлари

Вьетнамда ёпиқ иншоотларда ташкиллаштирилган III Осиё ўйинларида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилган вакилларимиз Тошкентга ёғруз юз билан қайтишди.



ЁғРУЗ ЮЗ БИЛАН

Шуниси қувонарлики, қўшма-қўшма 43 мамлакатдан келган 2500 нафар спортчи орасида ҳамюртларимиз ўз ҳисобларига 5 та олтин, 9 та кумуш ва 10 та бронза медалларини ёзиб қўйиб, умумжамоа ҳисобида фахрли ўликдан ўрин эгаллашди.

Ёдингизда бўлса, бундан икки йил муқаддам Макаода уюштирилган II Осиё ўйинларида ҳамюртларимизга 2 та олтин, 2 та кумуш ва 1 та бронза медаллари nasib этган эди.

Биз кўп минг сонли муҳлис-лар номидан Ўзбекистон терма жамоаси аъзоларини Вьетнамда уюштирилган ёпиқ иншоотлардаги III Осиё ўйинларидаги муваффақиятлари билан кутлай-миз.

(Ўз мухбиримиз) СУРАТДА: Осиё ўйинларида қатнашган курашчилари-миз ёғруз юз билан қайтишди. Мухаммад Амин (ЎзА) олган сурат

ПОЙТАХТ ЖАМОАЛАРИНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

Мамлакат XVIII миллий чемпионати профессионал футбол лигаси жамоалари ўртасида уюштирилган 29-тур баҳслари пойтахт шарафини ҳимоя қилаётган командаларга муваффақият келтирди.

Турнинг қизиқарли учрашуви Фарғонада «Нефти» — «Локомотив» жамоалари ўртасида кечди. Чунки кўпчилик мутахассислар майдон эгаларининг галабасига ишонгангиди.

Зарафшонда «Кизилқум» меҳмони бўлган «Бунёдор»га айтиш жоизки, мезбонлар муносиб қаршилик кўрсата олишди.

Колган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Динамо» — «Машъал» — 4:0, «Сўғдиёна» — «Хоразм» — 1:1, «Металлург» — «Олмалик» — 3:2, «Навбахор» — «Шўртан» — 2:1, «Насاف» — «Бухоро» — 4:2.



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ ҚОНУНИ БОСИТИЙ

Аралаш ейишнинг зарари ёки қуюқни суюққа қўшса бўладими?

Бир ўтиришда бир-бирига қарши таомларни аралаш ейиш яхши эмас. Фақат ёғли таом билан шўр таомни ва аччиқ таомни бир ўтиришда еса бўлади.

Биринчи сабаб шунки, таомларнинг таъми ёки бошқа қайғити бир-бирига муҳолиф бўлиб, бироқ ҳазм муддати баробар ва мувофиқ бўлади.

Иккинчи сабаб шунки, таомлар бир-бирига ҳазм бўлиш муддат жиғатдан қарша-қарши бўлиб, баъзики тезроқ ва баъзики кечроқ ҳазм бўлади.

Қачон аралаш ейиш зарари?

Аммо, қарама-қаршилиги озгина бўлган таомларни бир ўтиришда, аввало қуюқни, орқасидан суюқни истеъмол қилиш мумкин. Зерки меъданинг остида ҳазм қуввати қучиқроқ, устида эса заифроқ бўлади.

Аксинча, аввал қуюқ ва гализни истеъмол қилиб, сўнг латиф таом ейилса қайтадан аввал латиф таом ҳазм бўлади.

Агар, бори-ю аввал бир қуюқ таом истеъмол қилинса, сўнг бу таом чала ҳазм бўлган вақтда яна бир латиф таом қабул қилинса, «Асбоб ва аломат» китоби муаллифининг фикрича зарари йўқ.

(Давоми бор) Маҳмуд ҲАСАНИЙ тайёрлаган

ҲАТТАЛҚ ТЕЛЕДИТУРАР

ДУШАНБА, 16

«Ўзбекистон» 5:55 Қўрағуллар дастури. 6:00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 7:00 «Йилми» 7:05 «Итхор» 7:10 Миллий сериал: «Турмуш чоррақаларида» 8:00 «Тавлиюнома» 8:40 - 9:40 «Машъавиёт дастури».

13:00 «Салом, Тошкент!» 14:00 «Дунё» теледастури. 14:55 «Иккинчи» 15:00 «Пойтахт» 15:20 «Жаҳон» Т/с 24-серия. 16:20 «Эксцентриқ» Х/ф 17:00 «Дегенгаз илти» М/ф 17:10 «Карвонсарой» 17:20 «Ўқушқуню масъалати» 17:25 Миллий сериал: «Қалдирғочлар яна қайтди».

7:00 «Космические охотники на даркве» М/с. ТВ 3 8:00, 6, 15 Д/ф «По следам Индианы Джонса» 9:00 М/ф «Нарешаши ниндзя».

13:30 Сериал «Вилкоп» 15:30, 18:30 Обзор. Чрезвычайное происшествие. 16:30 Сериал «Возвращение Мухоморова».

«Ёшлар» 6:55 Дастурнинг очилиши. 7:00 «Салом, Ўшлар!» 8:00 Миллий сериал: «Ҳаёт сабоқлари».

СПОРТ

Телекомпаниялар диққат! Профлигалика муносабати билан, 16 ноябр кун «Солт» теледидионами ўз қўрағулларини 18:00 да бошлади.

18:00 «Тет-а-тет» 18:10 «Бармаклар эвланд» 18:30 «Хабарлар» (рус тили) 18:55 Кўп жағги бўйича Осиё оқиқ чемпионати.

СЕШАНБА, 17

«Ўзбекистон» 5:55 Қўрағуллар дастури. 6:00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 7:00 «Йилми» 7:05 Миллий сериал: «Турмуш чоррақаларида».

15:50 «Аббатот» М/ф. 17:10 «Аббатот» М/ф. 17:20 «Аббатот» М/ф. 17:30 «Аббатот» М/ф.

ЧОРШАНБА, 18

«Ўзбекистон» 5:55 Қўрағуллар дастури. 6:00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 7:00 «Йилми» 7:05 «Итхор» 7:10 Миллий сериал: «Турмуш чоррақаларида».

ПЕРВЫЙ КАНАЛ

4:00, 8:00 «Доброе утро» 8:05, 11:00, 13:00, 14:00, 17:00, 23:35 Новости. 8:30 Малахов + 9:30 Модный приговор.

РОССИЯ

5:00 Доброе утро, Россия! 9:05 11:50 Сериал «Генка по вертикали».

СТС

8:00 «Позитивный день» 8:05 «Мешарики» 8:35 «Танбур» Т/ф 8:55 «Малыш» 9:00 «Хайт симфонияси».

СТС

8:00 «Позитивный день» 8:05 «Мешарики» 8:35 «Танбур» Т/ф 8:55 «Малыш» 9:00 «Хайт симфонияси».

СТС

8:00 «Позитивный день» 8:05 «Мешарики» 8:35 «Танбур» Т/ф 8:55 «Малыш» 9:00 «Хайт симфонияси».

НТВ

6:00 «Сегодня утро» 8:45 Простой вопрос. 9:00 Картина вопроса. 10:00 «Средний класс».

НТВ

6:00 «Сегодня утро» 8:45 Простой вопрос. 9:00 Картина вопроса. 10:00 «Средний класс».

НТВ

6:00 «Сегодня утро» 8:45 Простой вопрос. 9:00 Картина вопроса. 10:00 «Средний класс».

НТВ

6:00 «Сегодня утро» 8:45 Простой вопрос. 9:00 Картина вопроса. 10:00 «Средний класс».

НТВ

6:00 «Сегодня утро» 8:45 Простой вопрос. 9:00 Картина вопроса. 10:00 «Средний класс».

НТВ

6:00 «Сегодня утро» 8:45 Простой вопрос. 9:00 Картина вопроса. 10:00 «Средний класс».

НТВ

6:00 «Сегодня утро» 8:45 Простой вопрос. 9:00 Картина вопроса. 10:00 «Средний класс».

НТВ

6:00 «Сегодня утро» 8:45 Простой вопрос. 9:00 Картина вопроса. 10:00 «Средний класс».

НТВ

6:00 «Сегодня утро» 8:45 Простой вопрос. 9:00 Картина вопроса. 10:00 «Средний класс».

НТВ

6:00 «Сегодня утро» 8:45 Простой вопрос. 9:00 Картина вопроса. 10:00 «Средний класс».

Ташкент шаҳар Шайхонтоҳур туманида рўйхатдан ўтган «Техно-саноат» корхонаси ўзининг ташкилий-ҳуқуқий шаклининг «Кўп тармоқли корхона»дан «Масъулияти чекланган жамият» шаклига ўзгартирилганлиги маълум қилади.

Ташкент шаҳар Шайхонтоҳур туманида рўйхатдан ўтган «Техно-саноат» корхонаси ўзининг ташкилий-ҳуқуқий шаклининг «Кўп тармоқли корхона»дан «Масъулияти чекланган жамият» шаклига ўзгартирилганлиги маълум қилади.

Ташкент шаҳар Шайхонтоҳур туманида рўйхатдан ўтган «Техно-саноат» корхонаси ўзининг ташкилий-ҳуқуқий шаклининг «Кўп тармоқли корхона»дан «Масъулияти чекланган жамият» шаклига ўзгартирилганлиги маълум қилади.

Ташкент шаҳар Шайхонтоҳур туманида рўйхатдан ўтган «Техно-саноат» корхонаси ўзининг ташкилий-ҳуқуқий шаклининг «Кўп тармоқли корхона»дан «Масъулияти чекланган жамият» шаклига ўзгартирилганлиги маълум қилади.

Ташкент шаҳар Шайхонтоҳур туманида рўйхатдан ўтган «Техно-саноат» корхонаси ўзининг ташкилий-ҳуқуқий шаклининг «Кўп тармоқли корхона»дан «Масъулияти чекланган жамият» шаклига ўзгартирилганлиги маълум қилади.

Ташкент шаҳар Шайхонтоҳур туманида рўйхатдан ўтган «Техно-саноат» корхонаси ўзининг ташкилий-ҳуқуқий шаклининг «Кўп тармоқли корхона»дан «Масъулияти чекланган жамият» шаклига ўзгартирилганлиги маълум қилади.

Ташкент шаҳар Шайхонтоҳур туманида рўйхатдан ўтган «Техно-саноат» корхонаси ўзининг ташкилий-ҳуқуқий шаклининг «Кўп тармоқли корхона»дан «Масъулияти чекланган жамият» шаклига ўзгартирилганлиги маълум қилади.

Ташкент шаҳар Шайхонтоҳур туманида рўйхатдан ўтган «Техно-саноат» корхонаси ўзининг ташкилий-ҳуқуқий шаклининг «Кўп тармоқли корхона»дан «Масъулияти чекланган жамият» шаклига ўзгартирилганлиги маълум қилади.

Ташкент шаҳар Шайхонтоҳур туманида рўйхатдан ўтган «Техно-саноат» корхонаси ўзининг ташкилий-ҳуқуқий шаклининг «Кўп тармоқли корхона»дан «Масъулияти чекланган жамият» шаклига ўзгартирилганлиги маълум қилади.

Ташкент шаҳар Шайхонтоҳур туманида рўйхатдан ўтган «Техно-саноат» корхонаси ўзининг ташкилий-ҳуқуқий шаклининг «Кўп тармоқли корхона»дан «Масъулияти чекланган жамият» шаклига ўзгартирилганлиги маълум қилади.

Ташкент шаҳар Шайхонтоҳур туманида рўйхатдан ўтган «Техно-саноат» корхонаси ўзининг ташкилий-ҳуқуқий шаклининг «Кўп тармоқли корхона»дан «Масъулияти чекланган жамият» шаклига ўзгартирилганлиги маълум қилади.

Ташкент шаҳар Шайхонтоҳур туманида рўйхатдан ўтган «Техно-саноат» корхонаси ўзининг ташкилий-ҳуқуқий шаклининг «Кўп тармоқли корхона»дан «Масъулияти чекланган жамият» шаклига ўзгартирилганлиги маълум қилади.

Ташкент шаҳар Шайхонтоҳур туманида рўйхатдан ўтган «Техно-саноат» корхонаси ўзининг ташкилий-ҳуқуқий шаклининг «Кўп тармоқли корхона»дан «Масъулияти чекланган жамият» шаклига ўзгартирилганлиги маълум қилади.

Ташкент шаҳар Шайхонтоҳур туманида рўйхатдан ўтган «Техно-саноат» корхонаси ўзининг ташкилий-ҳуқуқий шаклининг «Кўп тармоқли корхона»дан «Масъулияти чекланган жамият» шаклига ўзгартирилганлиги маълум қилади.

Ташкент шаҳар Шайхонтоҳур туманида рўйхатдан ўтган «Техно-саноат» корхонаси ўзининг ташкилий-ҳуқуқий шаклининг «Кўп тармоқли корхона»дан «Масъулияти чекланган жамият» шаклига ўзгартирилганлиги маълум қилади.

Ташкент шаҳар Шайхонтоҳур туманида рўйхатдан ўтган «Техно-саноат» корхонаси ўзининг ташкилий-ҳуқуқий шаклининг «Кўп тармоқли корхона»дан «Масъулияти чекланган жамият» шаклига ўзгартирилганлиги маълум қилади.

Ташкент шаҳар Шайхонтоҳур туманида рўйхатдан ўтган «Техно-саноат» корхонаси ўзининг ташкилий-ҳуқуқий шаклининг «Кўп тармоқли корхона»дан «Масъулияти чекланган жамият» шаклига ўзгартирилганлиги маълум қилади.

